

Гулимматов Икром Баҳтиярович
Урганч давлат университети ўқитувчиси
Хамраев Эргаш
Урганч давлат университети ўқитувчиси
Зарипбоева Мафтуна Умиджон кизи
Урганч давлат университети талабаси
Ўзбекистон

Gulimmatov Ikrom Bakhtiyorovich
Teacher of Urganch State University
EKhamraev Ergash
Teacher of Urganch State University
Zaripboyeva Maftuna Umidjon qizi
Student of Urganch State University
Uzbekistan

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИНГ ДИНАМИКАСИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ МИСОЛИДА)

Аннотация: Ушбу кичик илмий тадқиқот ишида Ер фонди тоифалари чифатида қишлоқ хўжалиги ва аҳоли пункти ерларининг динамикасини таҳлил қилинган. Мақолада статистик маълумотлар таққосланиб уларнинг динамикасига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ҳамда хуносалар чиқарилган.

Калит сўзлар: Ер фонди, ер тоифалари, қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли пункти ерлари, аҳоли сони динамикаси, ердан фойдаланиш.

**Динамика населенных пунктов и сельскохозяйственных угодий
(в напримери земельных ресурсов Республики Узбекистан)**

Аннотация: В данной небольшой исследовательской работе проанализирована динамика земель сельскохозяйственного назначения и населенных пунктов по категориям земельного фонда. В статье сопоставляются статистические данные, исследуются факторы, влияющие на их динамику, и делаются выводы.

Ключевые слова: Земельный фонд, категории земель, земли сельскохозяйственного назначения, земли населенных пунктов, динамика населения, землепользование..

**Dynamics of settlements and agricultural land
(for example, land resources of the Republic of Uzbekistan)**

Abstract: In this small research paper, the dynamics of agricultural land and settlements by categories of land fund is analyzed. The article compares statistical data, examines the factors influencing their dynamics, and draws conclusions.

Key words: Land fund, land categories, agricultural land, land of settlements, population dynamics, land use.

Кириш: Жаҳон миқёсида аҳоли сони ортиши натижасида Ер ресурсларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Ер ресурслари мамлакатлар миқёсида нотекис тақсимланганлиги улардан фойдаланиш интесивлигини белгилаб беради. Жаҳон Ер фонди 13,4 млрд гектар бўлиб, шундан 34% идан

қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Россия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар ер ресурслари катталиги билан ажралиб турадилар. Марказий Осиёда жойлашган Ўзбекистон континентал шароитга эга бўлиб, 44892,4 минг гектар Ер ресурсларига эга.

Ушбу кичик илмий тадқиқот ишида Ер фонди тоифалари чифатида қишлоқ хўжалиги ва аҳоли пункти ерларининг динамикасини таҳлил қилинган. Мақолада статистик маълумотлар таққосланиб уларнинг динамикасига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ҳамда хуносалар чиқарилган. Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон республикаси Ер ресурслри тоифалариолинган.

Асосий қисм: Ер фонди-бу маълум бир худуд(мамлакат, вилоят, туман, қишлоқ, овул.)нинг маъмурий чегарасидаги жами ер майдонларининг йиғиндиси ҳисобланади. 2023 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 448,9 минг км.кв.ни ташкил қиласди. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4306,6 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,6 фоизини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан 8 та тоифага бўлинади. Ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра куйидаги тоифаларга бўлинади:

- Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар: суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали (мевасиз) дараҳтзорлар ва токзорлар ва б. экинлар билан банд ерлар ва б.;
- Аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пункти) ерлари: шаҳарлар ва шаҳарчалар, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

- Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва б. мақсадларга мўлжалланган ерлар: кўрсатилган мақсадларга фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;
- Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар: алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;
- Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар: тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;
- Ўрмон фонди ерлари: ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;
- Сув фонди ерлари: сув обьектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув обьектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;
- Захира ерлар: юқорида номланган Ер фондитоифаларига ажратилмаган, маълум ижтимоий, иқтисодий ва экологик сабабларга кўра халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш имкониятлари бўлмаган ерлар.

Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши 1-жадвалда ва 1-расмда ҳамда ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши 2-расмда кўрсатилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

(минг га. хисобида)

T/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, сугориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз хисобида %	Жами	Фоиз хисобида%
1	Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	26232,3	58,4	4191,2	9,34
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	225,8	0,5	51,0	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга	767,7	1,71	12,3	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	3222,7	7,2	0,6	0,001
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,8	0,03		

6	Ўрмон фонди ерлари	11738,1	24,95	44,6	0,09
7	Сув фонди ерлари	827,1	1,87	4,7	0,01
8	Захира ерлар	1863,8	4,45	2,2	0,005
	Жами ерлар:	44892,4	100	4306,6	9,59

Манба: <https://data.egov.uz/usbKr/organizations/479?page=1>

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дараҳтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпик сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади. Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда, 2019 йил 1 январ ҳолатига кўра 169319 та бўлиб, уларга бириктириб берилган ерларнинг умумий ер майдони 20236,3 минг гектарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турлари майдони 15475,9 минг гектарни, шундан 3694,6 минг гектари суғориладиган ерларни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси худудининг 45,08 фоизини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий восита ҳисобланади. Республика худудида қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий иқлим омилларига биноан белгиланади. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши 1-расмда кўрсатилган.



1-Расм. Қарақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши. (% ҳисобида)

Аҳоли пунктларининг ерлари. Аҳоли пунктларининг ерлари маъмурий-худудий бирлик бўлиб, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, хуқуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб туради, уларга шу мақсадлар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаҳар (шаҳарчалар) ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган. Аҳоли пунктлари ерларининг 2019 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони 221,4 минг гектарни ёки жами ерларнинг 0,49 фоизини ташкил қиласди. 2023 1 январ ҳолатига кўра эса 225,8 минг гектарни ташкил қиласди 2-жадвал.

2-жадвал

Ер фонди динамикаси ва аҳоли сони ўзгариши жадвали					
	Ер фондининг тоифалари	1990 йил минг гектар	2020 йил минг гектар	Фарқи Микдор/фоизда	2023 йил минг гектар
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.	33167,8	20761,6	-12406/-37,5%	26232,3
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	197,2	223,4	+26,2/+13%	225,8
3	Аҳоли сони	20,3 млн.	33,7 млн.	+13,4млн/+66%	36,1 млн.

Тахлиллар асосида қуйидаги хulosаларга келиш мумкин:

1. Республика Қишлоқ хўжалиги ерлари Ер фондида бошқа тоифалар ва бир қатор омиллар асосида қисқариб бормоқда. Кейинги 30 йил ичида Қишлоқ хўжалиги ерлари 12,4 млн гектарга ёки 37%га қисқарган. Айнан

шу даврда аҳоли сони 20 млн. кишидан ырийиб 34 млн.га ёки 66%га кўпайган. Бу эса Қишлоқ хўжалиги фаолиятида ер ресурсларидан интенсив фойдаланишни тақазо қилади. Иқлим ўзгариши, қургоқчилик, чўллашиш, мелиоратив ишларни вақтида тўғри бажармаслик натижасида Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб бормоқда. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари 17.06.2019 йилдаги ПФ-5742-сонли президент фармони қабул қилинган.

2. Аҳоли пунктлари ерлари кейиги 30 йил ичидаги 26,2 минг гектарга кенгайган бўлиб, бу кўрсаткич асосан кейинги 10 йилга мос келади. Аҳоли сони ортиши билан уй жойга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда аҳоли жон бошига 16 кв.м. тураг жой тўғри келади. Кўп қаватли тураг жойлар қурилиши натижасида аҳоли пунктларининг худудий ўсиш интенсивлиги, аҳоли сони ўсишига нисбатан паст.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эргашев А., Руденко И., Давлетов С. ва бошқалар “Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари”. -Т.: 2016. 230-бет
2. Нигматов А.Н. “Земельное права” –Т.: 2000 10-11-бетлар
3. Ixlosov I.I., Rizayeva D.M. “Davlat kadastr asoslari” –Т.: 2019 52-bet.
4. Ўзбекимтон Республикаси Ер кодекси Т.: 1998. 8-11-бетлар

Интернет манбалар

5. <https://lex.uz/ru/docs/4378526?ONDATE=12.02.2022>
6. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
7. <https://data.egov.uz/uzbKr/organizations/479?page=1>
8. https://www.wikiwand.com/en/Human_population_planning
9. <https://sdgs.un.org/topics/sustainable-cities-and-human-settlements>
10. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/02/24/land/>